



**Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини  
тасдиқлаш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 18 февралда  
қабул қилинган  
Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси тасдиқлансин.

**2-модда.** Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги 414–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини кучга киритиш ҳақида»ги 415–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 35-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 990–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 132-модда);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисида»ги 991–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 7-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги 1050–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда);

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 1050а–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 126-модда);

7) Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги 1051–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 127-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 549–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда) **II, X ва XI бўлимлари**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»**ги 613–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 95-модда);

10) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) **VII ва XVIII бўлимлари**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги 809–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 206-модда);

12) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хусусида»ги 810–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 207-модда);

13) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 82–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 153-модда) **I, IX, XIII ва XXVII бўлимлари;**

14) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 519–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 133-модда);

15) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 520–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 134-модда);

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисида»ги 521–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 135-модда);

17) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 671–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 171-модда) **IV, V ва XIII бўлимлари;**

18) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 714–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **I бўлимининг 5, 21, 27 ва 28-бандлари;**

19) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–194-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) **2, 3, 6 ва 11-моддалари;**

20) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги

ЎРҚ–306-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/1, 344-модда) **1-моддаси**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 декабрда қабул қилинган **«Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги** ЎРҚ–340-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 331-модда);

22) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги** ЎРҚ–365-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **5-моддаси**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги** ЎРҚ–373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) **19-моддаси**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги** ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **1, 4, 5 ва 17-моддалари**;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган **«Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги** ЎРҚ–439-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 383-модда) **3-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги** ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **10, 11 ва 32-моддалари**.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 25 июнь  
№ ЎРҚ-544